



# IJIRSET

International Journal of Innovative Research in  
**SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY**

e-ISSN: 2319-8753 | p-ISSN: 2347-6710



# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

Volume 11, Issue 6, June 2022

**ISSN** INTERNATIONAL  
STANDARD  
SERIAL  
NUMBER  
INDIA

**Impact Factor: 8.118**



9940 572 462



6381 907 438



ijirset@gmail.com



www.ijirset.com

# Problems and Solutions of Distance Learning in the Educational Process

Khalikulov Erkin, Matyakubov Kamoliddin

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region. Chirchik, Uzbekistan

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region. Chirchik, Uzbekistan

**ANNOTATION:** The article discusses the problems and solutions of the distance learning process.

**KEYWORDS:** distance education, pedagogy, pedagogical skills, quality of education, theory of education.

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Халикулов Эркин

Тошкентвилояти Чирчиқ давлат педагогика иинститути. Чирчик, Ўзбекистон

Матякубов Камолиддин

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика иинститути. Чирчик, Ўзбекистон

**Аннотация:** Мақолада масофавий таълим жараёнининг муаммолари ва ечимлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** масофавий таълим, педагогика, педагогик маҳорат, таълим сифати, таълим назарияси.

Инсоният йигирма биринчи аср бошларида ҳам бир туркум муаммоларга дуч келди, улар бевосита ахборот телекоммуникация соҳасидаги жиддий ўзгаришлар ва ривожланиш билан боғлиқ. Таълимга янги ахборот коммуникация воситалари кириб кела бошлади. Интернет глобал компьютер тармогини ривожланиши Республикамиз таълим тизимида янги йўналишларнинг очилишига сабаб бўлмоқда ва куйидагиларга туртки бўлди:

- ўқув муассасаларининг техник таъминотини кескин ўзгартириш;
- дунёвий ахборот ресурсларга йўл очиш;
- ўқитишининг янги шакл ва усулларини яратиш ва бошқалар.

Республикамизда ахборот технологияларининг таълим жараёнига кириб келиши ва бошқа баъзи бир кутилмаган шароитларнинг пайдо бўлиши(карантин) анъанавий ўқитиши усулларига қўшимча равишда янги ўқитиши шакли - **масофавий ўқитиши яратилишига** ва таълим жараёнига кириб келишини тезлаштириди.

Масофавий таълимда таълим олувчи ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажralган холда ўзаро маҳсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини кўллашга асосланган масофавий ўқитиши олий таълим ахборот таълим тармогига кириш имконини беради.

Масофавий ўқитиши барча таълим олиш истаги бўлгандарга ўз малакасини узлуксиз ошириш имконини яратади ва ўқитиши жараёнидаги таълим олувчи интерактив режимда мустакил ўқув-услубий материалларни ўзлаштиради. Ўқитувчининг бевосита раҳбарлигига назоратдан ўтади, назорат ишларини бажаради ва гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар билан мулоқотда бўлади.

Масофавий ўқитишида турли хил ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланилади. Масалан, анъанавий босма усулига асосланган ўқитиши воситалари (ўқув қўлланма, дарслклар) талабаларни янги материал билан танишишига асосланса, интерактив аудио ва видео конференциялар маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишга, электрон почта тўғри ва тескари алоқа ўрнатишга, яъни хабарларни жўнаташ ва қабул қилишга мўлжалланган. Олдиндан тасмага мухрланган видеомаърузалар таълим олувчиларга маърузаларни тинглаш ва кўриш имконини берса, факсимал алоқа, хабарлар, топширикларни тармок орқали тезкор алмашиниш таълим олувчиларга ўзаро тескари алоқа орқали ўқитиши имконини беради.


Юкоридагиларга асосланаб, таълим жараёнига оид айрим терминлар тавсифи ва таърифларни келтириб ўтамиз.

**Масофавий таълим** - масофавий ўқитишига асосланган таълим.

**Масофавий ўқитиши** - ўзаро маълум бир масофада Интернет технология ёки бошқа интерактив усуллар ва барча ўқув жараёнлари компонентлари - мақсад, мазмун, метод, ташкилий шакллар ва ўқитиши усулларига асосланган таълим олувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабат.

**Масофавий ўқитиши тизими** - масофавий ўқитиши шартлари асосида ташкил этиладиган ўқитиши тизими. Барча таълим тизимлари сингари масофавий ўқитиши тизими ўзининг таркибий мақсади, мазмуни, усуллари, воситалари ва ташкилий шаклларига ега.

**Масофавий ўқитишининг педагогик технологиялари** - танланган ўқитиши концепциясига асосланган масофавий таълимнинг ўқув-тарбиявий жараёнини таъминловчи ўқитиши методи ва услублар мажмуаси.



Келинг, энди масофадан ўқитишининг дидактик тизимидан фойдаланган ҳолда мақсадга ўтайлик. Масаланинг қуйидаги қисмларига эътибор берамиз ва улар бўйича муаммоларни ва уларнинг ечими топишга харакат қиласиз.

1. **Масофавий ўқитиши мақсади** — масофавий ўқитиши жараёнининг олдиндан башоратланадиган натижаси ва унинг аниқловчи компоненти хисобланади, мақсадлар асосан таълим мазмунини белгилайди;

| Муаммо:                                     | Ечим:  | Изоҳ  |
|---|--|---|
| 1. Талабаларнинг ўзлаштириши даражаси паст  | Таълим мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ечиш лозим. Масалан: маъруза ва амалий дарсларнинг бўлиниш пропорцияси. 30/70 балким 10/90. | Фанлар бўйича тадқиқотлар ўтказиш талаб қилинади. |
| 2. Грухлардаги ўзлаштиришда жуда катта фарқ | Грух таркибидағи иқтидор талабаларни грухларга тўғри тақсимлаш.  | Тадқиқот ўтказиш талаб қилинади.                  |

## 2. Масофавий ўқитиши ташкил қилиши.

| Муаммо:   | Ечим:                                   | Изоҳ  |
|---|---|---|
| 1. Техник таъминот бўйича:<br><i>Интернет ишламаяпди.</i>           | Масалан: Худудда тармоқ йўқ.            | Муаммони ҳал қилиш механизми ишлаб чиқлади. |
| 2. Дастурий таъминот бўйича:<br><i>Конференцияга улана олмадим.</i> | Масалан: Силка юборилмаган ёки олмаган. | Хабардорлик назорати кучайтирилади.         |
| 3. Ташкилий, ижтимоий, иқтисодий...                                 | ...                                     | ...   |

**3. Масофавий ўқитиши воситалар:**

Масофавий ўқитиши жараёнида ўқитиши воситалари ўқув мазмунини тақдим этиш, таълим олувчиларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва бошқаришга хизмат қиласди.

**Воситалар.** билим олиш, кўнкималарни шакллантириш манбаси масофавий ўқитиши жараёнида хисобланади. Кенгроқ маънода **ўқитиши** воситаларимасофавий ўқитиши тизимида таълим мақсадларигаэришишга ёрдам берувчи барча воситалар ўқув вакўргазмали кўлланмалар, ўқув материалларинамойиш қилиш учун қурилмалар, техник воситалартўплами назарда тутилади.

| Муаммо:                        | Ечим:   | Изоҳ  |
|--------------------------------|---|---|
| 1. Маълумотларни қаердан олиш? | Масалан: ўқув ва кўргазмали кўлланмалар билан таъминлаш | Муаммони хал қилиш механизми ишлаб чиқиласди. |
| 2. Маълумотларни узатиши.      | ўқув материалларини намойиш қилиш учун қурилмалар олиш. | Йиллик режага киритилиши лозим                |

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, масофавий ўқитишининг умумий устувор мақсадлари таълим олувчиларнинг интеллектуал ва билиш фаолликларини рағбатлантириш, ўқув мотивациясини кучайтириш, мустақил таълим олиш қобилияtlари ва кўнкималарини ривожлантиришдан иборат.

**REFERENCES**

1. Madison, B. (2022). A new approach to teaching information technologies in education. Central Asian journal of education and computer sciences (CAJECS), 1(2), 73-78.
2. Jurayev, A. B., Yakubov, M., & Akhmedjonov, D. (2022). Methods of teaching to information technologies: problem type of learning. Central Asian journal of education and computer sciences (cajecs), 1(2), 57-60.



SJIF Scientific Journal Impact Factor

Impact Factor: 8.118



# INTERNATIONAL JOURNAL OF INNOVATIVE RESEARCH

IN SCIENCE | ENGINEERING | TECHNOLOGY

9940 572 462 6381 907 438 ijirset@gmail.com

[www.ijirset.com](http://www.ijirset.com)



Scan to save the contact details